**Ушбу сонда:**
2 ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА бахтсиз ҳодиса бўлмаслиги учун
3 TV - ДАСТУРИ
4 ШАНБА - ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ




ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI / FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 10 феврал, шанба №23 (1037)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ




## МАЪРИФАТ ЎЧОҒИ

Ўтган асрнинг охирларида қорақалпоқ мумтоз адабиёти классикларидан бири Бердақ Қарғабой ўғли таваллудининг 170 йиллиги муносабати билан Нукус шаҳрининг энг хушманзара жойларидан бирида шоир ижоди ва ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилувчи музей қурилиши бошланган, уни қуриб фойдаланишга топшириш 1998 йилга мўлжалланган эди.

Дастлабки йили бинокорлик ишлари ғоят тез суръатларда олиб борилди. Бахтга қарши бу суръат вақт ўтган сайин пасая бошлади. Агар 1999 йили 298 минг сўмлик қурилиш монтаж ишлари бажарилган бўлса, бу кўрсаткич ўтган йили атиги 65 минг сўмни ташкил этди. Шунинг учун ҳам Бердақ номидаги қорақалпоқ давлат университети қошидаги бу бинони бунёд этаётган 325-хўжаликлараро кўчма механизациялашган жамланманинг махсус бригадалари баъзан ишсиз қолиб кетди.

Хайрият, вазиятга тўғри баҳо берилиб, Ўзбекистон Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан музей қурилишини ниҳоясига етказиш мақсадида 118 миллион сўмлик маблағ ажратишга қарор қилинди. Агар маблағ ўз вақтида етказиб берилса, бунёдкорлар мазкур қурилишни амалдаги йилнинг иккинчи чорагида тўла тугаллашни ишонч билан таъкидламоқдалар.

Ёш авлод тарбиясида, уларнинг ватанпарварлик руҳида камол топишида муҳим рол ўйнайдиган маърифат ўчоғи Ўзбекистон мустақиллигининг шонли ўн йиллигигача ишга тушишидан умидвормиз.

## РАССОМЛАР ТУҲФАСИ

Ўзбекистон Бадиий академияси Қорақалпоғистон бўлимида Оролбўйи мўйқалам усталарининг Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори ижросига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда академик Ж.Изентаев, Нукус шаҳри бош рассоми И.Заседателевларнинг Мустақиллик байрамига қадар Қорақалпоғистон пойтахтини кўркам ва гўзал қилиб безаш юзасидан ишлаб чиқилган режалари муҳокама қилинди. Режага кўра Нукус шаҳридаги марказий кўчалардан бирини сайлгоҳ сифатида безаш, Наврўз ва Мустақиллик байрамларигача шаҳарда расмлар кўргазмаси ташкил этиш, безакли католог нашр қилиш, бунинг учун мўйқалам усталарини кенг жалб қилиш лозимлиги таъкидланди.

## МИЛЛИЙ КУРАШ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг миллий курашни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш мақсадида шанбалик ўтказиш тўғрисидаги қарори кенг меҳнаткашлар томонидан қизғин маъқулланди. Шу йил 3 феврал куни Оролбўйи ҳудудидаги барча меҳнат жамоалари, ўқув юртларида шанбалик уюшқоқлик билан ўтказилди. Тадбирдан тушган маблағ Қорақалпоғистон шаҳарларида, овулларида миллий курашни ривожлантириш, ёш полвонларга ҳар томонлама ёрдам бериш, спорт мактабларини зарур жиҳозлар билан таъминлашга сарфланади.

**Абду РАҲМОН,**
**«Ишонч» мухбири.**

Бугун наманганлик тадбиркор ва ишбилармонларнинг омади юришган. Буни шаҳарда фаолият юритаётган кўплаб қўшма корхоналар ҳам кўрсатиб турибди. «Силк-Роад» пиллакор таянч қўшма корхонаси ана шундай даргоҳлардан биридир. Ўзбекистон ва Япония ҳамкорлигининг маҳсули бўлган ушбу корхонада асосан пилла чиқиндилари қайта ишланади. Бугун қўшма корхонада 458 нафар ёшлар самарали меҳнат қилмоқдалар.

***Суратда:* ип ўровчи Мунира Абдуллажонова.**
**Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**



## ҲАЁТ ТАҚОЗОСИ

***Шу кунлари мамлакатимизнинг барча гўшаларида Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳларининг йиғилишлари бўлиб ўтмоқда.***

Қарши шаҳрида ўтказилган йиғилишда ёшлар ҳаракатнинг Дастури ва Низоми лойиҳалари билан таништирилиб, муҳокамалар ўтказилаётгани айтилди. Йиғилишда иштирок этган талабалар, мактаб ўқувчилари, Қарши шаҳридаги корхона ва муассасаларда ишлайдиган ёшларнинг вакиллари Дастур ва Низом лойиҳасини қизғин муҳокама қилди. Ёшларга тузилаётган ҳаракатнинг қандай бўлиши, мақсад, вазифалари ҳақида янги маълумотлар берилди, ўз навбатида, лойиҳаларни янада мукаммалроқ қилиш борасидаги мулоҳазалар билдирилди.

Қорақалпоғистонлик ёшлар вакиллари бугунги ижтимоий, маданий-маърифий ҳаётда етакчилик ва ташкилотчилик қилувчи, ёшларнинг ҳуқуқ ва эркини, мақсад ва интилишларини ҳимоя этувчи, ёшлар ва давлат ташкилотлари ўртасида ўзига хос кўприк бўлувчи ҳаракат ҳаёт тақозоси эканлигини таъкидлашди. Бу борада қорақалпоғистонлик ёшлар олдида турган вазифалар хусусида фикр-мулоҳазаларини айтишди.

Йиғилишларда бундай учрашувлар, муҳокама ва мунозараларни барча туманларда, ўқув юртлари, корхона ва ташкилотларда ўтказиш, Низом ва Дастур лойиҳаси ҳақида билдирилган фикр-мулоҳазаларни жамлаб, республика ташаббус гуруҳига етказиш режалари тузиб олинди.

**(ЎзА).**

*Муаммо кўндаланг қўйилади*

## ДЕБИТОР ҚАРЗ ТАРАҚҚИЁТГА ТЎҒАНОҚ

***Давр ҳуқуқ-тартибот идоралари олдига фуқаролар ҳуқуқий маданиятини ошириш билан бирга, улар манфаатини ҳимоя қилишдек муҳим ишда изчил ҳамда ҳамжиҳат ҳаракат қилиш вазифасини қўймоқда. Бозор шароитида баъзи корхона, ташкилотларда иш ўринларининг тугатилиши ёки қисқариши кузатилаётгани ҳам зиммамиздаги масъулиятни янада оширмоқда. Асосий эътибор фуқаролар ноқонуний ишдан бўшатилишининг олдини олиш, ишсизларни касб йўналишига қараб ишга жойлаштиришга қаратилмоқда.***

Шу ўринда Хавос шаҳарчасидаги бу борада олиб борилаётган ишлар, баъзи муаммоларга эътибор қаратайлик. Шаҳарчада асосан «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат ҳиссадорлик жамиятига қарашли корхона, муассаса ва ташкилотлар бўлиб, аҳолининг аксарияти шу жамоаларда меҳнат қилишади. Рўзғорининг бут бўлиши, ижтимоий ҳимоя масалалари кўп жиҳатдан мавжуд ташкилотлар иш фаолиятига, пировард натижага кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Бахтга қарши сўнгги пайтларда бу ердаги корхона, ташкилотларнинг айримларида иш ўринлари қисқариши кузатилмоқда. Мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланилмаяпти. Хўш, аҳвол шундай экан транспорт прокуратураси ходимлари муаммоларни ҳал этиш йўлида қандай тадбирларни амалга оширишаяпти, деган савол туғилиши табиий.

Биринчи галда ишчи-хизматчиларни ноқонуний ишдан бўшатиш ва асоссиз равишда ишга олмаслик сабаблари чуқур ўрганилмоқда. Лозим бўлганида изчиллик, қатъиятлик кўрсатилаяпти. Масалан, И.Фозилов «Хавос» ташкилотида бир йилга яқин ҳалол меҳнат қилди. Сўнг ҳарбий хизматга чақирилди. Ватан олдидаги бурчини аъло даражада ўтаган йигит севимли касбини давом эттиришга жазм қилди. Бироқ, қадрдон жамоасидаги раҳбарлардан «иш йўқ» деган жавобни олди.

Ёки мазкур корхона ходими У.Мирзаев ҳам ноқонуний ишдан бўшатилганлиги аён бўлди. Биз инсон тақдири билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этишга ўта масъулият билан ёндошишга ҳаракат қилаяпмиз. Текшириш жараёнида юқорида қайд этилган ташкилот раҳбарлари Меҳнат Кодексининг 81-моддасида кўрсатилган «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддаси талабларини қўпол равишда бузганлар. Ҳайратланарлиси шуки, мутасаддилар қонунни била туриб, уни хаспўшлашга уринганлар. Прокуратура ходимлари ишловчилар ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бордилар. Мустақил Ўзбекистонимизда Қонун устувор эканлигига кўпчиликда ишонч ҳосил қилдик.

Энди мана бу масалага нима дейсиз? Ташкилот раҳбари ходимни штат қисқариши муносабати билан вазифасидан озод этса, ходим ёрдам сўраб меҳнат биржасига мурожаат қилсаю, у ердагилар уни ишсиз сифатида рўйхатдан ўтказишдан бош тортишса...

Прокуратура ходимлари бу каби камчиликларнинг олдини олиш мақсадида меҳнат жамоаларида ҳисоб-китоб ишларининг нечоғли йўлга қўйилганлигига эътиборни қаратдилар. Натижада Республика Президентининг халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказиш учун корхона, ташкилот раҳбарлари масъулиятини ошириш чора тадбирлари тўғрисидаги Фармони ижросини таъминлаш борасида қатор камчиликларга йўл қўйилаётганлиги аниқланди. Чунончи Хавос темир йўл корхоналари талаб-эхтиёжга кўра Тошкент вилоятининг Бекобод цемент комбинатига, Сирдарё, Жиззах вилоятларининг пахта тозалаш корхоналарига келишилган шартнома асосида хизмат кўрсатган. Аммо ушбу ташкилотлардаги мутасаддиларнинг бепарволиги оқибатида катта миқдорда дебиторлик қарзлари вужудга келган. Агар қарзлар ўз муддатида ундирилганда эди, биз эътироф этган жамоаларда ишни бир маромда ташкил этиш, янги иш ўринларини яратиш, ижтимоий ҳимояни яхши йўлга қўйиш имконияти яратиларди. Табиийки, қарзларни ундиришга йўналтирилган 38 та даъво аризаси хўжалик судларига тақдим этилди. Саъй-ҳаракатлар зое кетмаяпти. Прокурор амрномаси билан қисқа вақт ичида 150 миллион сўм қарзлар эгаларига ундириб берилди. Бироқ ҳали мавжуд камчиликларга барҳам бериш учун кўп иш қилишга тўғри келади.

**А.ОМОНОВ,**
**Хавос транспорт прокурори, биринчи даражали юрист.**

## ҚАРИЯЛАРГА МУРУВВАТ ЁРДАМИ

Республика «Нуроний» жамғармаси ўз фаолиятида ёлғиз кексалар, нафақахўрлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш масаласига алоҳида эътибор бермоқда. Бу борада ишлаб чиқилган чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши натижасида кейинги вақтда жамғарма ва унинг вилоят, туман ва шаҳар бўлимлари томонидан қарияларга 30 миллион сўмликдан зиёд мурувват ёрдами кўрсатилди.

- Айни вақтда жамғарма фаоллари жойларда маданий ва маърифий ишларни янада жонлантириш борасида жонбозлик кўрсатмоқда, - дейди жамғарма Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари Шуҳрат Усмонов. - Бу тадбирлар мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрилаётган шу кунларда айниқса кенг авж олдирилмоқда. Фахрийлардан, турли соҳа зиёлиларидан тузилган тарғибот-ташвиқот гуруҳлари жойларда турли тадбирлар-учрашув ва давра суҳбатлари ўтказмоқда.

Фахрийлар Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ёш авлодни Ватанга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш, ёшларни турли экстремистик ва ақидапараст кучлар таъсиридан сақлаш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларида ҳам фаол қатнашмоқда. Ёшлар қалбида улуғ аждодларимизнинг бой илмий-маданий меросига ворислик ва ифтихор туйғуларини уйғотиш, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат туйғуларини мустаҳкамлашда катта ҳаётий тажриба ва салоҳиятга эга бўлган уруш ва меҳнат фахрийлари яқиндан ёрдам бермоқда.

**(ЎзА).**

*Шарҳ*

## ЕВРОПАНИНГ «МИТТИ АЖДАРҲО»СИ

***XX асрнинг сўнгги чорагида талай давлатлар жадал юксалиш даврини босиб ўтди. Иқтисодий мўъжизалар яратган мамлакатларга «йўлбарс» ёки «аждарҳо» деб таъриф берилди. Жанубий Корея, Сингапур, Малайзия, Туркия кабиларнинг қисқа даврда жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторига қўшилиши ҳақиқатан мўъжиза эди. Ҳозирги кунда дунё иқтисодчилари шундай оламшумул ютуқларга эришаётган яна бир давлатни тез-тез тилга ола бошлади. Бу Португалиядир. Унга Европанинг «митти аждарҳо»си, деб таъриф берилмоқда.***

Ҳозир Лиссабонга келган киши, албатта, пойтахтнинг шимолида яқиндагина ишга туширилган маҳобатли кўприкни бориб кўришга ошиқади. Васко да Гама номи берилган бу иншоот Европадаги энг йирик кўприк бўлиб, узунлиги 17,2 километрдир. Кўприкдан кунига 52 мингдан ортиқ автомашина ўтади. Лойиҳачиларнинг таъкидлашича, кўприк энг кучли зилзила ва соатига 220 километр тезликка эга довулга ҳам бардош беради.

Васко да Гама кўпригининг ишга туширилиши Лиссабонда ўтказилган улкан халқаро кўргазма очилишига тўғри келди. 150 мамлакат иштирок этган бундай кўргазмани фақат иқтисодий кучли давлатгина ўтказа олади. Юқори савияда ўтказилган ушбу халқаро тадбир португалияликлар учун ўта муҳим натижа билан тугади. Халқаро жамоатчиликнинг бу мамлакат ҳақидаги тасаввури ижобий томонга ўзгарди. Илгари Европанинг қолоқ мамлакати ҳисобланган Португалия янги «иқтисодий аждарҳо» сифатида танилди.

Йигирма йилча муқаддам Португалия аҳолисининг йиллик даромади Европанинг ўртаҳол давлатлари аҳолиси даромадининг 52 фоизини ташкил этар эди. Ҳозир бу кўрсаткич 75 фоизга етди. Ўтган чорак аср давомида мамлакат катта ўзгаришлар даврини бошдан кечирди. Лиссабон шаҳрининг бир вақтлар яйдоқ даштдан иборат атрофида кўп қаватли тураржой бинолари, боғ-роғ, замонавий инфратузилмалар бунёд этилди. Тезюрар йўллар қурилди, янги-янги метро йўналишлари ишга туширилди. Бу ютуқлар Европа ҳамжамияти томонидан тан олингани боис, 2004 йилги футбол бўйича Европа чемпионати ҳам Лиссабонда ўтказиладиган бўлди. Умуман, буларнинг барчаси Европа ҳамжамияти томонидан Португалияга билдирилган ҳурматгина эмас, балки эришган иқтисодий муваффақиятининг қонуний эътирофи, деб қаралмоқда.

Португалия иқтисодий соҳада эришаётган ютуқлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Масалан, бу мамлакат евро зонасига кириш борасидаги барча шартларни биринчилар қаторида бажарди. Уяли телефон алоқасидан фойдаланиш бўйича Португалия Европанинг энг тараққий этган давлатлари ҳисобланган Буюк Британия, Испания, Германия, Франциядан ҳам илгарилаб кетди.

Сўнгги пайтларда Португалияда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши йилига 3,5-4 фоизни ташкил этяпти. Бу Европада юқори кўрсаткич ҳисобланади. Аҳоли жон бошига олинаётган йиллик даромад эса 14380 долларга етди. Мамлакатда ишсизлик даражаси Европа бўйича энг паст - 4,7 фоиздир. Қисқача айтганда, Португалия ҳақиқий маънода европалашиб бормоқда.

Илгари Португалия муҳожирлар мамлакати ҳисобланар эди. Ватанида ишсизлик ва моддий қийинчиликларни бошдан кечираётган португалияликлар ўзга давлатларга иш қидириб кетишга мажбур бўларди. Масалан, ўттиз йиллар аввал ҳар йили 120 мингдан ортиқ одам иш қидириб, муҳожирликни ихтиёр қилган бўлса, ҳозир манзара бутунлай ўзгарган. Португалиянинг ўзи хорижий ишчиларга эҳтиёж сезмоқда.

Мамлакатнинг бугунги иқтисодий-ижтимоий аҳволини тадқиқ қилар экан, иқтисодчилар талай жиҳатга эътибор қаратади. Португалияда иқтисодиёт эркинлаштирилди. Ўрта ва кичик тадбиркорликка жиддий эътибор қаратилди. Давлатга қарашли бўлган, лекин самарасиз ишлаётган йирик корхоналар хусусийлаштирилди. Солиқ тизими ислоҳ қилинди. Энг муҳими, мамлакатда сиёсий барқарорлик ҳукм сурмоқда. Табиийки, бундай шароитда хорижий сармоя ҳам кўпаяди.

Европа дунёнинг энг тараққий этган ҳудуди экани барчага маълум. Европа бозорида қитъа мамлакатлари билан тенг от суриш ҳазилакам иш эмас. Айниқса, илгари иқтисодий қолоқ ҳисобланган давлат учун бу ўта мушкул. Бироқ Португалия бу вазифанинг уддасидан чиқди. Унинг Европа Иттифоқидаги нуфузи йилдан-йилга ошаётгани ҳам шундан. Қолаверса, бугунги кунда «митти аждарҳо» босиб ўтган йўл, тўплаган тажриба Шарқий Европанинг талай мамлакатлари учун дастуриламал бўлмоқда.

**Саидмурод РАҲИМОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

*Ижтимоий ҳимоя*

# ШАРОИТГА КЎП НАРСА БОҒЛИҚ

***Меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тузилган шартнома ва унинг ижроси касаба уюшмалари фаолиятининг асосини ташкил қилади. Навоий вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси ҳам меҳнатга ҳақ тўлаш, иш шароитини яхшилаш, дам олиш ва соғломлаштириш, ходимларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоялашга катта эътибор қаратмоқда.***

Маълумки, республиканинг демократик тараққиёт йўналишидаги беш тамойилидан бири аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялашдир. Вилоят тармоқ қўмитасида бу борадаги ишлар алоҳида назоратда. Ходимларга ойлик маошлар, талабаларга стипендиялар ўз вақтида бериб борилмоқда. Айниқса, Президент Фармонларига асосан ўқитувчи ва тарбиячиларга бериладиган имтиёзлар, коммунал хизматлар бўйича тўловлар ўз вақтида ажратилаётир.

Ўтган йили кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандларига 210000 сўмлик дарсликлар олиб берилди ва 823.1 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, соҳа ходимлари-меҳнат ва талабаларнинг дам олиш шароитларини яхшилаш масаласи касаба уюшмаларининг доимий эътиборида.

Соғломлаштириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ходимларнинг дам олиши ва даволанишлари учун 560 та йўлланма берилди. Шу мақсадга 22 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Шунингдек, 32 та мактаб қошида оромгоҳлар ташкил этилди. Уларда 3830 нафар бола дам олди. Бу хайрли ишга 18 миллион сўмликдан зиёд маблағ ажратилди.

Меҳнаткашларнинг маданий-маърифий савияларини ошириш мақсадида вилоят халқ таълими бошқармаси ва унинг шаҳар ҳамда туманлардаги бўлимлари бошланғич касаба уюшма қўмиталари билан ҳамкорликда «Йил ўқитувчиси», «Йил мактаби», «Ўзбекистон Ватаним маним», «Ижодкор ўқитувчилар» каби кўрик-танловлар ўтказилди. Шу каби тадбирларга сарф этилган харажатлар 2,5 миллион сўмликдан зиёдни ташкил этди. Вилоят, шаҳар, туман касаба уюшмалари ташаббуси билан Қизилтепа туманида аёллар ўртасида ўтказилган футбол мусобақаси айниқса, таассуротларга бой бўлди. Ғолиблар касаба уюшма қўмиталари томонидан қимматбаҳо совғалар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

**Ҳасан ФАХРИДДИНОВ,**
**Навоий вилоят Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.**





Самарқанд туманидаги «Стекло пластик» очиқ турдаги акциодорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган эҳтиёжбоп маҳсулотларнинг бозори анча чаққон. Хусусан, физика, кимё фанлари лабораторияси машғулотлари учун зарур жиҳозлар, ўриндиқлар, спорт буюмлари каби 18 турдан ортиқ харидоргир маҳсулотлар тайёрланаяпти.

Корхона жамоаси маҳсулот турларини кўпайтириш борасида изланишлар олиб бормоқда. Жумладан, етакчи мутахассислар томонидан яратилган огоҳлантирувчи кичик ДАН ходимлари макетининг ишлаб чиқарилиши айни муддао бўлди.

**Суратларда: конструктор Людмила Кельдишева; корхона бош муҳандиси Алишер Ҳайдаров ва ишчи Матлуб Мардоновлар.**

**Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**

*Тадбиркор — иқтисод таянчи*

# РЕСПУБЛИКАДА ЯГОНА

***Жиззах аккумулятор заводи билан ўрнатилган ўзаро ҳамкорлик Урганчдаги «Мини» аккумулятор ишлаб чиқариш савдо-тижорат фирмасига жуда қўл келди. Яқинда ишга туширилган кадмий оксиди ишлаб чиқариш цехи ўз фаолиятини тобора жонлантириб, қисқа муддат ичида 30 миллион сўмлик иш бажарди.***

Янги линия республикада ягона, МДҲ бўйича эса тўртинчи ҳисобланади. Фирма аккумулятор батареялари учун пластинкалар ишлаб чиқариш, комплектловчи деталлардан батареялар йиғиш ва уларни таъмирлашни йўлга қўйди. Натижада яна 10 киши иш билан таъминланди.

XX асрнинг сўнгги йили жамоа аъзолари учун эсда қоларли тарихий йил бўлди. Фирма «Ташаббус-2000» республика танлови ғолиби деб топилди ва «Энг яхши тадбиркор» унвонига сазовор бўлди.

Ҳозирги кунда жамоа аъзолари сони қарийб 30 нафарга етди. Ишчиларга бир маҳал иссиқ овқат корхона ҳисобидан бепул ташкил қилинган. Зарарли шароитда ишловчи меҳнатчилар сут-қатиқ билан таъминланмоқда. Шунингдек, уларга махсус кийим-бош тарқатилган. Ишчи-хизматчилар бўш вақтларини кўнгилли ўтказишлари учун зарур маданий-маиший шарт-шароит тўлиқ яратилган. Турли спорт мусобақалари ўтказилиб, ғолиблар бошланғич касаба уюшма ташкилоти томонидан рағбатлантириб борилмоқда.

Энг муҳими, жамоа аъзолари қанчалик самарали меҳнат қилишса, сифатли ва харидоргир маҳсулот ишлаб чиқаришса, ўзлари учун шунча манфаатли эканини ҳис этиб меҳнат қилишаётир.

**Давур ТУРОН,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Бошланғич ташкилот кўп ишга қодир*

# ИШЧИЛАРГА ҚЎШИМЧА ТАЪТИЛ

Бошқармамиз жамоаси ўтган йилги шартномавий режани 109,8 фоизга бажарди. Бу эса ўз навбатида ходимларнинг моддий манфаатдорлигининг ўсишига олиб келди. Масалан, ишчи-хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи йил бошида 12 минг сўм бўлган бўлса, декабр ойига келиб бу кўрсаткич 19 минг 165 сўмга етди. Бундан ташқари ҳар чоракда, байрамларда бир ойлик иш ҳақи миқдорида мукофот пули ажратилади. Ходимнинг иш стажига қараб 12 кунга қадар пуллик қўшимча таътил белгилангани ҳам қўшимча имтиёзлардан биридир.

Фойда ҳисобидан ишчи-хизматчиларнинг ишга келиб-кетиши учун транспорт ажратилган. Жамоа шартномасига асосан ҳар бир ишловчига 3750 сўмдан овқат пули берилаётир. Техника хавфсизлигини таъминлашга энг долзарб масала сифатида қаралаётганидан бўлса керак, мана, ўн йилдирки биронта кўнгилсиз ёки бахтсиз ҳодиса юз бермади. Фақат ўтган йилнинг ўзида ишчиларга хавфсиз шароит яратиш учун 350 минг сўмлик маблағ ажратилди.

Ишчи-ходимларимизнинг тўй ва маъракаларида энг кам иш ҳақининг 3 баробари миқдорида моддий ёрдам кўрсатишни йўлга қўйганмиз. Янги оила қурганларга 7 иш куни, оиласида фарзанд туғилганда 2, янги уйга кўчиб ўтилганда 1 иш куни миқдорида ҳақ тўланадиган таътиллар берилади.

Йўлсозларимиз меҳнатига яраша ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан ижтимоий ҳимояланган. Улар яқиндагина «Дашнобод» қўрғончасидаги 6 километрли йўлни қуриб беришганди. Бу ишда ишчилардан Назир Менгноров, Ҳуррам Шодиев, Тўхти Соатов, Эркин Шоқулов, Абромат Юсупов кабилар шижоат кўрсатиб ишлашди. Бу йил бошидан улар Денов туманидаги «Наврўз» деҳқон фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудида 11 километр узунликдаги йўл қурилишини бошлаб юборишди. Хайрли иш «Наврўз» байрамига қадар поёнига етади.

**Сойибназар МУРОДАЛИЕВ,**
**Шўрчи туман автомобил йўллар бошқармаси касаба уюшма қўмитаси раиси.**

# КАСАБА УЮШМАЛАРИ ВАЗИФАЛАРИ

*ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА*

**Саволингизга Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ҳуқуқ бўлими нозири Рамзжон ХУДОЙБЕРДИЕВ жавоб беради**

**САВОЛ: Биз ширкат уюшмасида деҳқончилик билан шуғулланиб келамиз. Қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаётганларга касаба уюшмасининг меҳнат шароитларини яхшилашда, манфаатдорликларини оширишдаги роли ҳақида тушунча берсангиз.**

**Зулайҳо ШОМУРОТОВА,**
**Питнак тумани «Ўзбекистон» ширкатлар уюшмаси.**

**ЖАВОБ:** Касаба уюшмаси молиявий мустақилликка эга бўлган нодавлат ташкилотдир. Унинг маблағи кириш ва ойлик аъзолик бадалларидан, маданий спорт тадбирларидан, шунингдек, корхоналар, якка шахслар фаолияти, касаба уюшмаси нашрлари ва бошқа даромад манбаларидан келган тушумлардан таркиб топади.

Аъзолик бадаллари ойлик иш ҳақи, бошқа даромадлар ёки стипендияларнинг бир фоизи миқдорида белгиланади.

Касаба уюшмаси ўз ҳуқуқи доирасида ихтиёридаги мулк ва пул маблағларига эгалик қилади ҳамда фойдаланади.

Агар шартнома, битимлар ёки жамоа шартномаларида кўрсатилган бўлса, озиқ-овқат ва маиший буюмлар, иш қуроллари ҳар бир корхонанинг ўз низомидан келиб чиққан ҳолда уларнинг ички имкониятлари ҳисобидан таъминланади.

— Спорт иншоотлари авваламбор, маҳаллий ҳокимликлар тавсиялари билан, корхоналар эса иқтисодий ва молиявий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда ёки умумхалқ ҳашарлари йўли билан ҳам қурилиши мумкин. Ҳомий ташкилотлар кўмагида, шунингдек, хайриялар, байрамлардан тушган маблағлар ҳисобига ҳам шундай қурилишларни амалга ошириш мумкин. Албатта, мазкур юмушларни бажаришда касаба уюшмалари бевосита иштирок этиб, ҳар хил ташкилий ишлар, спорт мусобақалари ва бошқа тадбирларнинг амалийлигини таъминлайдилар.

— Касаба уюшмаларининг Марказий қўмиталари қуйидан юқоригача барча раҳбар органларини сайлаб қўяди.

— Касаба уюшма органлари ўз ташкилотлари ва юқори касаба уюшмаси олдида ҳисобот беради.

— Туман, шаҳар, вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмаси қўмиталарининг пленумлари раисни, раис ўринбосарларини, раёсатни сайлайди, комиссияларни тузади.

— Туман, шаҳар, вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмаси қўмиталарининг раислари, раис ўринбосарлари конференцияларда ҳам бевосита сайланиши мумкин.

Касаба уюшмасининг асосий мақсади ўз аъзоларининг иқтисодий-ижтимоий, меҳнат, интеллектуал ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилишдан иборатдир.

*Фахр*

# ХИЗМАТ ТУРЛАРИГА СИФАТ СЕРТИФИКАТИ

Андижон «Автотеххизмат» ҳиссадорлик жамияти томонидан бажарилаётган иш турларининг барчасига Ўзбекистонда биринчи бўлиб «Хизмат сифат сертификати» берилди.

Бундай баҳога меҳнат жамоаси енгил автомобилларга 30 дан ортиқ турдаги техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширишда мижозларга маъқул тушадиган даражада сифатли иш бажариши, бажарилган ишларнинг ҳар бири учун маълум муддатларга кафолат бериши, техник хизматлар кўрсатишдан ташқари автомобиллар эгаларига юқори даражада сервис хизмати кўрсатиш билан ҳам эришдилар.

Сифатли хизмат кўрсатиш эса ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Ҳиссадорлик жамиятида АҚШ, Италия, Жанубий Корея, каби илғор давлатлардан келтирилган энг замонавий диагностик ва таъмирлаш асбоб-ускуналари ҳамда ўлчов воситалари ўрнатилган бўлиб, уларни бошқараётган кадр ва мутахассислар эса хорижий давлатларда ўз касб маҳоратларини ошириб келган андижонлик ёшлар вакилларидир.

Корхона устахоналарида бир кунда юздан зиёд автомобилларга ҳар хил турдаги хизматлар кўрсатилмоқда. Шунингдек, уларнинг эгалари транспорт воситалари таъмирдан чиққунча жамиятнинг ўзида ташкил этилган дам олиш хоналарида, кафе ва барларда, меҳмонхонада мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

**«Туркистон-пресс»**



# ЁШЛАР МАРКАЗИ

***Қизил Ярим ой жамиятининг Қашқадарё вилоят бўлими қошида Ёшлар маркази фаолият кўрсата бошлади.***

Марказ жамият фаолиятини тарғиб қилиш билан бирга, турли юқумли касалликлар ва зарарли одатларга қарши тарғибот ишлари олиб боради. Бу ерга келган ёшлар СПИД, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик каби ижтимоий хавфли одатлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари ҳақида батафсил маълумот олиши мумкин. Ёшлар маркази компьютер ва бошқа керакли замонавий ускуналар билан жиҳозланган.

# ЎҚУВ ЖИҲОЗЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

***Салкам ўн йилдирки, биз жаҳонга юз тутяпмиз, жаҳон бизга юз очмоқда. Демак, энди мезонлар ўзга, андозалар бошқача бўлиши табиий. Жумладан, ўқув тизимида ҳам. Бундан уч йил муқаддам қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг ўзак-негизида ҳам ўқув тизимида янгиликларни тезкорлик билан жорий этиш, жаҳон андозаларига мос ўқув хоналари яратиш масалалари ётади.***

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълим маркази томонидан Сирғали туманидаги политехника касб-ҳунар коллежида 2001 йилда фойдаланишга топшириладиган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини жиҳозлаш учун замонавий, сифатли мебел ва ўқув лаборатория жиҳозлари, шунингдек, дастгоҳлар, бошқа ўқув ускуналарини тендер асосида сотиб олиш учун ўтказган танлов кўргазмасидан кўзланган асосий мақсад ҳам ўқув тизимида жаҳон андозаларига жавоб берадиган янги ўқув жиҳозларини яратишдир.

Кеча бир неча кундан бери давом этаётган мазкур тадбирда кўргазманинг мақсади, ундан кутилаётган натижаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда тегишли соҳа вакиллари, олимлар, илмий-тадқиқот институтлари раҳбарлари, мутахассислар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.




Тадбир қатнашчилари «Сирғалимебел» акциодорлик жамияти, «Наманганмебел», «Стеклопластик», «Андижонмебел», «Қувамебел», «Файз» холдинг компанияси, «Мактабмебел» қўшма корхонаси сингари 40 га яқин корхоналарнинг кўргазмага қўйилган маҳсулотлари, жумладан, юмшоқ ва қаттиқ мебел жиҳозлари, китоб жавонлари, парталар, лингафон ва химия, физика лабораториялари учун мўлжалланган асбоб-ускуналар билан танишдилар.

Айниқса, Самарқанддаги «Стеклопластиқ» ОТАЖ аъзоларининг химия, биология ва физика фанларини ўқитиш хоналари учун яратган жиҳозлари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, «Файз» холдинг компаниясига тегишли бўлган кутубхона ва ўқув заллари, компьютер ва мажлислар зали учун яратилган мебеллар тўплами, «Shohonamebel» ишлаб чиқариш корхонасининг ошхона стол ва стуллари, «Катрис» фирмасининг компьютер синфи, «Жиззахмебел»нинг ётоқхона тўплами, «Ўзиталмебел»нинг 12 ўқувчига мўлжалланган лингафон кабинети, «Сирғали» мебел бирлашмасининг қўшсатхли кроватлари ҳамда «Ўзбекмебел» давлат акциядорлик бирлашмаси, «Қувамебел», «Олмалиқмебел», «Наманганмебел» каби акциядорлик жамиятлари ва бошқа бир қатор қўшма корхоналарнинг маҳсулотлари ҳам бежиримлиги, сифати ва энг муҳими, хорижникидан қолишмаслиги билан тендер қатнашчилари ва меҳмонлар диққатини тортди.

Анжуман қатнашчилари кўргазмага қўйилган маҳсулотларга баҳо берар эканлар, уларнинг турларини янада кўпайтириш, қулай ва сифатли, жаҳон андозаларига мос бўлишини таъминлаш, олимларнинг корхоналар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва ишлаб чиқаришни шу асосда йўлга қўйиш янада яхшироқ самара беришига эътиборни қаратдилар.

**Темир ҚУРБОН,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Хушхабар*

# МУНОСИБ СОВҒА

Қизилтепа туманидаги «Деҳқонобод» ширкат хўжалигининг «Янгиқишлоқ» қўрғонида замонавий шифо маскани фойдаланишга топширилди. Бунинг учун қурувчиларга уч ой муддат кифоя қилди.

Ҳар куни 50 беморга тиббий хизмат кўрсатадиган шифохонада малакали врачлар ва ҳамширалар меҳнат қилмоқда. Хорижда ишлаб чиқилган замонавий тиббий асбоб-анжомлар уларнинг меҳнатини самаралироқ қилаётир. Бу ерда, айниқса, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш учун барча шароитлар яратилган. Битта «Дамас» русумли тез ёрдам автомашинаси шифокорлар хизматида.

# ҚИРҚҚИЗГА ГАЗ КЕЛДИ

Элликқалъа туманининг энг чеккасида жойлашган «Қирққиз» фермер хўжаликлар уюшмаси аъзолари қаҳратон қиш совуғи ташвишларидан қутулди. «Газли-Нукус» магистрал трассасидаги «Чайка» автомат газ тақсимлаш станциясидан хўжалик ҳудудигача бўлган 6 километр масофага қувур ётқизилиши уларга шундай имконият яратди. Янги газ тармоғини тортиш асосан ҳашар йўли билан амалга оширилди.

Эндиликда туманнинг барча аҳоли пунктлари табиий газдан баҳраманд бўлмоқда.

# ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА

## БАХТСИЗ ҲОДИСА БЎЛМАСЛИГИ УЧУН

Қуйи Чирчиқ туманида вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитасининг кўчма семинар йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда «2001 йилга жамоа шартномаларини тузиш тартиб-қоидалари тўғрисида»ги масала юзасидан вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитасининг ходими Шавкат Султонов маъруза қилди. Нотиқ ўз сўзида жамоа шартномасини қандай тузиш лозимлиги ва унинг нечоғлик зарурлиги хусусида фикр юритди.

Кун тартибидаги «Меҳнат муҳофазаси ва меҳнат техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш тўғрисида»ги масала юзасидан маъруза қилган вилоят Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси меҳнат - техника бош нозири Мухтор Дадабоев жумладан, қуйидагиларни таъкидлади.

- 2000 йил давомида вилоятимизда 200 нафар ишчи-хизматчи хизмат вазифаларини адо этаётган чоғда бахтсиз ҳодиса туфайли турли тан жароҳати олганлар. Бир неча нафари эса ҳаётдан кўз юмди. Уларнинг аксарияти завод ва корхона ишчи-хизматчиларидир. Текширувлар давомида шу нарса маълум бўлдики, кўп жойларда меҳнат муҳофазаси таъминланмаган, ишчилар махсус уст-бош, ҳимояланувчи воситалар билан тўлиқ таъмин этилмаган, техника хавфсизлиги қоидалари уларга ўқитилмаган. Касаба уюшмаларининг роли, афсуски, сезилмаяпти.

Ва ниҳоят, бошланғич касаба уюшма қўмиталарида, молиявий иш юритишда келиб чиқаётган бир қатор тушунмовчиликлар ҳам йиғилишда ойдинлашди. Тажрибали мутахассис Антонина Субботина йиғилиш қатнашчиларидан тушган саволларга батафсил жавоб қайтарди.

**Д.КАМОЛОВ.**

# НАВОИЙХОНЛИК

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси билан ҳамкорликда Навоийхонлик кечаси ўтказди. Мутафаккир шоир, ўзбек адабий тили асосчиси, сўз мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллиги муносабати билан ташкил этилган кечага адабиётшунос олимлар, эл севган санъаткорлар, назм ва наво ихлосмандлари йиғилдилар.

— Бобомиз Мир Алишер Навоий буюк давлат арбоби сифатида ҳам халқни адолат нуридан баҳраманд этганлар, — деди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари Зоиржон Қодиров. — Ҳиротда амалга оширилган ободончилик, маданий-маърифий ишларнинг равнақи, масжиду мадрасалар, маиший бинолар, кутубхоналар барпо этилишида вазир сифатида Навоийнинг хизматлари катта. Ҳатто, ўша даврда Навоий бошчилигида Ҳиротда «Дорушшифо» шифохонаси ҳам қурилиб, бу ерга мамлакатнинг етук табиблари тўпланганлиги, табибликка иқтидори бор ёшларга билим берилганлиги маълум. Шунингдек, бобомиз етим-есирларга, кўмакталаб инсонларга, аёллар ва болаларга моддий ва маънавий мадад бериб келганлар.

Тадбирда Навоийнинг улкан адабий мероси ҳақида адабиётшунос олимлардан Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжаев, Абдуғофур Расуловларнинг маърузалари мароқ билан тингланди. Устоз санъаткор Фахриддин Умаров ҳамда у кишининг шогирдлари Ҳожиакбар Ҳамидов томонидан Навоий ғазали билан ижро этилган ажойиб куй ва қўшиқлар кечага файз бағишлади.

**Муҳаббат ДАВРОН.**





**И. ҲАСАНОВ олган суратлар.**

# ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ



*Mulohaza*

# ЯНГИ ЁЗУВНИ ЎРГАНИБ ОЛДИНГИЗМИ?

***«Бешикдан қабргача илм ўрган» дейилади Ҳадиси шарифда. Худди шу ўгитга амал қилган ҳолда салкам бир ойдирки, таҳририятимиз ходимлари ҳафтанинг ҳар чоршанбасида домла Каримжон Отажоновдан лотин ёзуви бўйича сабоқ олмоқдалар. Журналист қайда бўлмасин, авваламбор мухбир — ўзи ишлаб турган нашрга нимадир тақдим этишни ўйлайди. Қуйида ҳукмингизга ҳавола этилаётган суҳбат ҳам ана шу қизиқиш меваси, боз устига, биз тилга олаётган мавзу ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.***

**— Албатта, бир ёзувдан иккинчисига ўтиш ҳеч қачон осонлик билан кечган эмас. Бугунги жараён тилшунос сифатида сизни қониқтирадими?**

— «Жараён» деган сўзни яхши эсга солдингиз. Мен ҳам ушбудан фойдаланишга ҳаракат қиламан: ҳа, энг муҳими, жараён бошланди. Гарчанд дастлабки босқичларда жиловни бироз бўш қўйган эсак-да, бугунги кунга келиб даврнинг ўзи янги ёзувга эҳтиёж уйғотмоқда.

Мактабда ўқиётган фарзандларимиздан кўнглимиз тўқ. Улар бу ёзувни анча пухта эгаллаб олишди. Энди навбат биз катталарга, агар таъбир жоиз бўлса, миллатнинг умумий саводхонлиги аҳолининг ана шу қисми саъй-ҳаракатига боғлиқ бўлиб қолди. Назаримда, янги асрнинг биринчи йили ана шу йўналишда ҳал қилувчи босқич бўлади.

**— Яқинда Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармаси гўё арзимасдек туюлган сабаб билан телевидениеда танқид қилинди. Маълум бўлишича, хизмат машиналари биқинига «милиция» сўзини лотинча ёзишда хатоликка йўл қўйилган, яъни «milisiya» деб ёзилган экан.**

— Бу, шубҳасиз, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосининг имло қоидаларини билмаслигимиздан. Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1995 йил 24 августда тасдиқланган «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари»да — «Ц» ҳарфи сўз охирида, сўз бошида, олд қўшимчалардан кейин «s» тарзида ёзилиши белгилаб қўйилган: цирк - sirk, кварц - kvars каби. Бошқа ҳолларда, хусусан, унли ҳарфдан кейин «ts» шаклида ёзилиши керак. Масалан: милиция - militsiya, доцент - dotsent, конституция - konstitutsiya ва ҳоказо.

Юқоридаги ҳолда эса оддий қоидани билмаслик хатоликка сабаб бўлган.

**— Биз шу пайтгача рус тили орқали истеъмолга кирган сўзларни асл ҳолидагидек ёзишга, талаффуз этишга ҳаракат қилиб келганмиз. Бундан буён бу масалага ёндошувда ўзгариш бўладими? Масалан, «стоматология», «поликлиника» сингари сўзлардаги «о», яъни «ў» қандай ёзилса тўғри бўлади?**

— Ҳаммамизга маълумки, Европа тилларидан, асосан рус тилидан кириб келган сўзларни ислоҳ қилиш, жилла қурса таржимасини топиш, тилимизни улардан тозалаш масалалари бўйича то ҳануз хилма-хил фикрлар баён этиб келинади. Айрим муаллифлар Европа тилларидан келиб қўшилган сўзлар ўрнига форсча, арабча муқобилларини тавсия этишади. Масалан, аэропорт ўрнига — тайёрагоҳ, самолёт ўрнига — тайёра каби. Лекин халқ уларни қабул қиляптими? Шуни унутмаслик кераккки, тил зўрма-зўракиликни ёқтирмайди. Ҳаммаси силлиқ кетгани маъқул. Мисол учун, «абсолют» ўрнида «мутлақ», «форма» ўрнида «шакл», «нагрузка» ўрнида «юклама» ишлатилгани сингари.

Энди «o» ва «o`» унлилари ҳақида мухтасар сўз. Бунда шу пайтгача мавжуд тил қоидаларидан чекинмаган маъқул кўринади. Яъни, тонна - tonna, бокс - boks, поезд - poyezd шаклида ёзилмоғи керак. Бир сўз билан айтганда, ўзлашма сўзларда унлини ифодалаш учун «o» ёзилади.

**— Биз истаймизми, йўқми, беихтиёр кўчакўйдаги ҳар хил ёзувлар — шиорлар ва пешлавҳаларга қараб саводимизни имтиҳон қиламиз. Лекин уларнинг ўзи ҳам, юмшоқроқ қилиб айтганда, таҳрирга муҳтож. Эл назарига қўйишдан олдин ушбу ёзувларнинг бехато эканлигини тасдиқлаб берадиган алоҳида хизмат идораси ташкил этиш пайти келмадимикин?**

— Фикрингизга қўшиламан. Ҳозирча кўчалар, корхона ва ташкилотлар номи ёзилган пешлавҳаларда, турли рекламаларда хатолар учраб турганлиги рост. Масалан, енгил машиналар устига «TAXI» деб ёзиб қўйилган, мактаб дарсликларида эса «X»ни айнан «X» деб ўқитилади. Тил қоидасига кўра ҳам шундай: «TAKSI» деб ёзилиши керак. Шунинг учун сиз айтган таклифда жон бор — ҳокимиятлар қошида, корхона ва ташкилотларда тузилган тил ва атама комиссиялари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг масъулиятини ошириш даркор.

Вазирлар Маҳкамасининг биз юқорида зикр қилганимиз қарорида таъкидланганидек, бу ишлар 2005 йил 1 сентябрга қадар босқичма-босқич амалга оширилади. Демакки, биз ўз саводхонлигимизни ошириш, имло қоидаларини қисқа фурсатларда ўзлаштириб олишимиз учун ҳар дақиқани ғанимат билмоғимиз лозим.

**Суҳбатдош: Зайниддин РИХСИЕВ.**

*Туркона даволар*

# ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИНГ

Шуни таъкидлаш жоизки, шамоллаш билан боғлиқ бўлган хасталикларни табиий равишда енгиш учун тўлақонли, яъни оқсил, карбонсувлар, ёғларга, шунингдек, дармон-дориларга бой бўлган қувватбахш маҳсулотлардан истеъмол этиб туриш катта аҳамият касб этади. Бунда жаннатмакон ўлкамизнинг шифобахш нозу неъматлари, мева ва сабзавотларидан, хусусан, наъматак меваларининг қайнатмаси ёки дамламасидан тез-тез ичиб туриш организмни мустаҳкамлаб, касалликка қарши курашувчанлик қобилиятини кучайтиради.

Кишини қийнайдиган нохуш бош оғриғини қолдириш ва организмни терлатиш учун маймунжон меваси, арғувон (липа) гуллари, тер ҳайдовчи чойлардан дамлаб ичилса, беморнинг аҳволи анча яхшиланади.

Қулупнай ва парманчакли мураббо ҳамда асалли чой бемор ҳароратини туширувчи табиий ва беозор омиллардан ҳисобланади.

Шамоллаганда бемор хуш кўрган, кўнгилочар таомлар тайёрлаб бериш, уларни иложи борича дидли, мазали ҳолда дастурхонга тортиш иштаҳа очишда ёрдам беради. Айниқса, ошкўклар (шивит, кашнич, каръафс (селдерей), крафш-петрушка ва бошқалар)дан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, тумов ёки грипп хуружи даврида бемор организми дармондориларга жуда муҳтож бўлади. Чунончи, лимон, пўртахол, мандарин, узум, туршак, баргак, анор каби неъматларнинг шифобахшлик хусусиятларини таърифлашга ҳожат йўқ.

Тумов ва гриппга чалинган беморларда суюқликларга эҳтиёж кучаяди. Шу боис, бу вақтда сут ва сут маҳсулотларидан иложи борича кўпроқ берган маъқул. Организм асл ҳолатини тиклаб олгунча енгил сингийдиган таомлар, жумладан, парранда гўштидан тайёрланадиган қайнатмалар яхши ҳазм бўлади. Таомни безайдиган ошкўкларни эса овқат сузилгач солган маъқул. Бунда зарур дармондорилар, эйфор мойлари сақланиб қолади. Спиртли ичимликларни истеъмол этиш ман этилади.

Халқимиз орасида тумов номи билан юритилувчи касалликда бир қатор хасталиклар уйғунлашиши азалдан маълум. Жумладан, юқори нафас йўлларининг шамоллаши, ларингит, форингит, ангина, бронхит, грипп алоҳидаликда ёки муштарак ҳолда намоён бўлади. Шу туфайли ҳам тумовни енгил хасталик деб бўлмайди. Баъзан унинг замирида аллергик ринит ҳам ётади. Бу хасталикнинг вақтида олди олинмаса нохуш асоратларга сабаб бўлади. Шу боис, тумовга йўлиққан киши тўлиқ даволаниши лозим. Акс ҳолда ёши улуғ кишиларда кўҳна касалликларнинг қўзғалишига ва хасталикнинг оғир ўтишига сабаб бўлади. Мурғак болалар эса юқори нафас йўлларида қалқонлик вазифасини ўтайдиган киприклар тараққий этмаганлиги боис, тумовга нисбатан ўта таъсирчан бўладилар. Буни ҳисобга олган ҳолда шамоллаган оналар бола эмизаётганда ёхуд овқатлантираётганда махсус докали ниқоб тутишлари лозим.

Тумов ва гриппга йўлиқмаслик учун киши ўзини чиниқтириши, об-ҳавога мувофиқ кийиниши, намгарчилик ва айни аёзли кунларда оёқ ва бошни иссиқ тутиши зарур. Бадантарбия, ҳаммом қабул қилиш турли касалликларга нисбатан кишининг бардошлилик даражасини кўтаради.

**Маннон НАБИЕВ, доришунос.**

***Дунёда инсон қўли билан бунёд этилган мўъжизалар кўп. Адирлар бағрида жойлашган осмонўпар минора ҳам ана шулардан бири десак, асло муболаға бўлмайди.***

## АНДИЖОН ЭЙФЕЛИ

Ўзига хос техника мўъжизасини Андижоннинг Эйфели дегимиз келади. Дарҳақиқат, 186 метр баландликдаги бу минора узоқ-узоқлардан кўзга ташланиб туради, эндиликда у Андижоннинг ташриф ёрлиқларидан бирига айланди.

1965 йилга қадар Ўзбекистон телевидениесининг фақат битта дастури намойиш этилган ва радио эшиттиришларнинг иккита дастури эфирга тарқатилган эди. Эндиликда бу ердан Ўзбекистон телевидениесининг «Ўзбекистон-1» ва «Ёшлар» дастурлари, Фарғона водийсидаги телестудияларнинг кўрсатувлари намойиш қилиняпти. Йўлдош алоқаси орқали Россия жамоатчилик телевидениесининг кўрсатувлари водий аҳолисига тақдим этилмоқда. Ўзбекистон радиосининг 4 та дастури эфирга узатиляпти. Марказ шаҳарлараро телефон алоқаси учун ҳам хизмат қилмоқда. Бир сўз билан айтганда, кишиларни туну кун бутун дунё билан боғлаб турибди.

**Муҳаммаджон КАРИМОВ.**

## БОЛАЛАР ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасининг «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» нашриёти яна бир қизиқарли қомусий китобни ўз мухлисларига тақдим этди. «Болалар энциклопедияси» деб номланган мазкур янги нашр болалар олами ҳақида қизиқарли маълумотларни берувчи нуфузли тўпламлардан бири бўлди.

Уни варақлаган китобхон мактабларда ўқитиладиган фанларга доир атама ва иборалар тавсифлари билан яқиндан танишади. Энциклопедияда ёритилган мақолалар алифбо ҳарфлари тартибида берилиб, ўқувчиларга қулайлик туғдирилган.

Янги нашрнинг бадиий безаги ҳам эътиборни ўзига тортади. Рангли расмлар, турли харита ва тасвирлар ҳам тўпламнинг қизиқарли бўлишига хизмат қилган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш кераккки, «Болалар энциклопедияси» нашриётнинг лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида чоп этилган дастлабки нашрдир.

**А.АЛИЕВ.**



*Юрмай тур, ўртоғим билан гаплашиб олай.*

**Жаҳонгир РИХСИЕВ сурат лавҳаси.**

## ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

***Қорақалпоғистон давлат мусиқали театрида Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди.***

Йиғилишда маъруза қилган қорақалпоғистонлик таниқли олимлар ва ёзувчилар Навоий асарларининг қорақалпоқ халқи маънавий ҳаётида тутган ўрни хусусида сўз юритишди. Унинг бой мероси илмий-адабий жамоатчилик томонидан кенг ўрганилаётгани, мактаб дарсликларига киритилгани алоҳида таъкидланди. Шунингдек, буюк мутафаккир меросининг, айниқса ёшлар тарбиясида тутган беқиёс аҳамиятини назарда тутиб, ўқув даргоҳларида махсус курслар ташкил этиш зарурлиги ҳақида фикр билдирилди.

**(ЎзА).**

Маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси раиси Рустам Шомуродович Шоғуломовга умр йўлдоши **Раънохон ИНОЯТОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Федерация Кенгаши раисининг ўринбосари Озодахон Муҳитдиновага акаси **Тельман АЗИМОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг муовини, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси Озодахон Муҳитдиновага акаси **Тельман АЗИМОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

# ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТИДА

*2001 йил - Оналар ва болалар йили*

***Қашқадарё вилоятининг Нишон туманида «Она ва бола» Давлат Дастурининг бажарилишига киришилди. Дастлаб тумандаги 22 минг нафар туғиш ёшидаги аёлларнинг асосий қисми тиббий кўрикдан ўтказилди. Туман марказий шифохонаси ҳузуридаги тажрибали мутахассислардан иборат 2 та махсус гуруҳ вақти-вақти билан хўжаликлар, қишлоқ ва маҳаллаларда бўлиб, аёллар, никоҳ ёшидаги қизлар билан мулоқотлар уюштирмоқда ҳамда улар тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.***

— Она соғлигини мустаҳкамлаш ва соғлом бола туғилишига эътиборни кучайтириш шифокорларимизнинг асосий мақсадидир, - дейди туман марказий шифохонаси бош ҳакими Сардор Эркаев. - Бунинг учун оналар ва болалар ўртасида тиббий профилактика ишларини кенг кўламда амалга оширмоқдамиз.

Гинеколог врачлар Раъно Сатторова, Анора Даутова, Ноила Багданова, болалар шифокорлари Ҳайдар Пўлатов, Абдулла Худойбердиев, Эркин Шеровларнинг намунали хизматидан аҳоли мамнун.

Туман марказий поликлиникасида оналар ва болалар маслаҳатхонаси мунтазам ишлаб турибди, доимий навбатчилик ташкил қилинган. Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Оила маркази» очилган бўлиб, унга олий тоифали шифокор Гулзор Аблокимова раҳбарлик қилмоқда. Малакали болалар врачи Суюн Эргашев етакчилигидаги болалар ташҳис маркази мактабларда таълим олаётган ўқувчиларнинг соғлигини тиклаш йўлида самарали фаолият кўрсатмоқда.

Ўтган йили маҳаллий бюджетдан 45 миллион сўм маблағ сарфланиб, Нишон қишлоғида 50 қатновга мўлжалланган врачлик пункти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Тажрибали болалар врачи Эргаш Бозоров раҳбарлик қилаётган замонавий шифо масканида чорвадорларнинг аёллари ва болалари даволанмоқда.

Туманда 36 мингдан ортиқ балоғат ёшига етмаган болалар бўлиб, уларга 161 нафар малакали врач, 600 дан зиёд ўрта тиббий ходимлар хизмат қилмоқда.

Ўтган йили ҳомийлар томонидан 2 та ногирон болага болалар аравачаси берилди. Кам таъминланган оилаларга 5,5 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

— Соғлом авлодни тарбиялаш, оила манфаатларини ҳимоялаш, аёллар ва болалар соғлиғини тиклашга қаратилган тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда, - дейди туман хотин-қизлар қўмитаси раиси, ҳоким ўринбосари Насиба Ўткирова. - Бу муҳим ишга бошланғич хотин-қизлар қўмиталари, маҳалла оқсоқоллари, бошланғич касаба уюшмалари, шифокорлар жалб этилган.

Йил бошида ишга туширилган «Ойдин», «Оқ олтин» ва Чўли Бегимқулов номли ширкат хўжаликларидаги қишлоқ врачлик пунктларини таъмирлаш ва жиҳозлаш учун 105 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Туманда болаларни тарбиялаш, жисмоний ва маънавий камол топтиришда она ва оиланинг ролини кучайтиришга алоҳида аҳамият берилаётганлиги соғлом турмуш тарзини яратиш имкониятини бермоқда.

**Иззат ҲИКМАТОВ.**

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.40

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2124.

1 2 3 4 5 6